

ДАЛАЛАРИМИЗГА БАРАКА ЁФИЛГАН

Зиёли ёки ишчи, умуман дәхқончиликдан йироқ касб әгалари ҳам пахта теримига бефарқ бўлмайди. „ Қанча тердингиз? ", „ Чиқиши қалай?", „ Режа нечига борди?" каби саволлар, албатта бўлади. Шундоқ Буюк ипак йўли бўйида, Қўқон йўналинишида ўнг томондаги пахта майдонлари „ Голд эар" фермер хўжалиигига тегишли. Пахта ўтган-кетганинг ҳавасини келтиради. 58 гектар майдондан 39 центнер дан 239 тонна ҳосил олиш йўлида астойдил меҳнат қилинди. Қилинган меҳнат самарасини беряпти. --Хисоб-китобларимизга кўра, ҳосилдорлик 40 центнердан ошяпти,-дейди 8--отряд раҳбари Равшанбек Мамажонов.-- Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров даламиизда бўлиб, раҳмат айтди. Кунига 160-170 нафар теримчилар билан 20 тоннадан ўтказиб пахта териб оляпмиз. Худо хоҳласа, биринчи теримдаёқ режани бажарамиз. Ҳоким ўринбосари Саидахон Усмонова, маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Мўсожон Охунов билан мазкур фермер хўжалигида бўлдик. Далаларимизга барака ёғилганини кўрдик. Эндиғи асосий вазифамиз катта ва шарафли меҳнат эвазига етиштирилган ҳосилни тезроқ йиғиб-териб олишдир.

Ёзёвон тумани ҳокимлиги ахборот хизмати.

2022-09-14 11:16:03